

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ  
ОРГАНИ

● 2000 йил, 21 декабрь, пайшанба № 153 (1417).  
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.  
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ  
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 21 декабря 2000 г. № 153 (1417).  
Газета издается с 24 июня 1992 г.  
● В розницу — цена свободная.

## Театрнинг янги қиёфаси

«Шарқ дарвозаси» номи билан Ўзбекистон пойтахти Марказий Осиё давлатларидаги энг йирик маънавий ва маданий марказ ҳисобланади. Тошкентнинг бундай юксак маънавияга эришишида «Хамза» номидаги Давлат академик театрининг ҳам улкан ҳиссаси бор. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг ўлмас асарлари айна шу масканда саҳналаштирилиб, миллионлаб мухлислар эътиборига ҳавола этилган. Лекин замон тақомили бундай даргоҳлар ташқи қиёфасининг ҳам жаҳон андо-

заларига мос бўлишини талаб қилмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Хамза» театрининг замонавий усулда таъмирлаш борасида тендер эълон қилди.

Мамлакатимиз Президент Ислам Каримов 20 декабрь кун театр биносининг бугунги аҳволи, унда хизмат қилаётган ижодий жамоанинг фаолияти билан танишини мақсадида шу масканга ташриф буюрди. Театр саҳнаси, томошабинлар зали, даҳлизу айвонла-

ри, ташқи қисмини таъмирлаш борасида амалга оширилажак ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Президент таъмирлаш жараёнида асосий эътиборни томошабинлар ва ижодий жамоа учун имкон қадар кўпроқ қулайлик яратишга қаратиш лозимлигини таъкидлади. Зеро, театр — муқаддас даргоҳ, томошабинлар унга нафақат дам олиш, ҳордиқ чиқариш, балки маънавий озуқа олиш, дунёқарашини кенгайтириш мақсадида келади. Шу боис таъмирлаш ишлари ҳам юқори савияда амалга оширилмоғи керак.

(ЎЗА).

## ● ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА



Прапорщик Мақсуд Тошев ҳамisha ўз вазифасини шараф билан бажариб сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда.  
К. ТУРАЕВ олган сурат.

## ● ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

### ЗИМНИЕ МАРШРУТЫ

Сержанта Владимира Галустяна по праву называют одним из опытных младших командиров в подразделении. И потому неслучайно именно на него пал выбор при отборе сержантов для работы по подготовке военных водителей из новобранцев осеннего призыва.

В войсках издавна сложилась добрая традиция тщательно отбирать воинов, которым впоследствии будут доверены важные и ответственные задачи по перевозке военных грузов и личного состава. Вот и в коллективе автозвода, где служит сержант В. Галустян, прибывшие осенью новобранцы на двухмесячных курсах пройдут дополнительную подготовку и только затем будут допущены к управлению автомобилем.

На одном из последних занятий Владимир изучал со своей группой устройство двигателя и ходовой части. Уверенными отве-

тами по предложенной теме обратил на себя внимание руководителя рядовой Дильшод Мирусманов — посланец Чиланзарского тумана столицы, показав глубокие знания. От том, насколько его теоретический багаж совпадает с практическими навыками, Владимир узнает позже, испытав солдата на занятии по вождению.

Пока же зимние маршруты сержанта и его питомцев не выходят за пределы автопарка, но уже в скором будущем они протянутся до автодрома, а затем новый поток военных водителей будет уверенно колесить по дорогам гарнизона.

Решительно настроившись успешно в боевой учебе встретить День защитников Родины, наставник прилагает все силы для подготовки достойной смены.

Майор А. КАМАЛОВ,  
контр. «Ватанпарвар».

## ФИДОЙИЛИК НАМУНАЛАРИНИ КЎРСАТИБ

Қуролли Кучларимизда қисм ва бўлиналар талайгина. Улардаги шахсий таркиб ҳам шунга лойиқ. Армия сафига ўз Конституциявий бурчини бажаришга қалаётган йигитларнинг дунёқарашини, ўй-фикрини, хоҳиш-иродаларини эса турлича: кимдир бир ярим йиллик муддатли хизматни амалга тақал тугатиб кетишни ўй-

лайди, яна биров ҳаёт мактаби аталмиш армияда ҳаётий тажриба орттиришни, касб-хунар ўрганишни олди мақсад қилиб қўяди. Ҳарбий хизматга кўнгил қўйиб, умр бўйи погон тақиб юришни танлайдиганлар ҳам оз эмас.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

### ФАРМОНИ

#### КОММУНАЛ ХИЗМАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТУҒРИСИДА

Коммунал хизмат тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳолини ичимлик сув, табиий газ ва коммунал хизматлар билан барқарор таъминлаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш масалаларида маҳаллий давлат бошқаруви ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ва масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигини қайта ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 429-сон қарори билан тузилган Махсус комиссиянинг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бевосита қарамоғига топшириш; шаҳарлар ва туманларда коммунал-фойдаланиш бошқармалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда бозор механизмларини кучайтириш.

2. Қуйидагилар «Ўзкоммунхизмат» Агентлигининг асосий вазифаларини этиб белгилансин:

аҳолини табиий ва суултирилган газ билан узлуксиз таъминлаш, минтақалараро сув қувурларининг барқарор ва ишончли ишлашини таъминлаш;

минтақалараро сув қувурларидан, коммунал газ сотиш тармоқларидан фойдаланиш ҳамда уларни ривожлантириш соҳасида ягона техникавий сиёсатни шакллантириш ва ўтказиш, уларни барпо этиш борасида буюртмачи вазифаларини амалга ошириш;

коммунал хизматни ислоҳ қилиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, коммунал хизмат соҳасидаги меъририй-ҳуқуқий ҳужжатларни, техникавий-иқтисодий шартларни ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш;

давлат бошқаруви маҳаллий органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан коммунал хизмат соҳасида амалдаги қонунчиликка, белгиланган техник шартлар ва талабларга риоя этилишини устидан назоратни амалга ошириш;

рўзгор чиқиндиларини йиғиш, уларни фойдали суратда ишлатиш ва қайта ишлаш борасидаги ҳолатни ўрганиш ҳамда шу масалалар бўйича ягона сиёсатни шакллантириш;

тармоққа хоржий сармоялар ва технологияларни жумладан қўшма корхоналар барпо этиш йўли билан жалб қилиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмалари зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

аҳолига уй-жой-коммунал хизматларнинг жами комплексини кўрсатиш, унга ичимлик суви, марказий иситиш, канализация билан таъминлаш;

уй-жой-коммунал ҳўжалик объектларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш борасидаги ишларни ўтказиш; кўп хонадонли уйларни тубдан таъмирлаш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этиш;

уй-жой эгаларининг ширкатларини ҳамда Ягона буюртмачи хизматларини, уй-жой фондида хизмат қилиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича муқобил пудрат ташкилотларини тузиш учун зарур ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

маҳаллий бюджет ва ўз маблағлари ҳисобидан коммунал объектлар қурилиши бўйича буюртмачи вазифаларини амалга ошириш;

шаҳарлар ва аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш ҳамда санитария жиҳатидан тозалаш борасидаги ишларни ташкил этиш;

шаҳарлар ва туманлар коммунал — фойдаланиш бошқармаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-

ши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳолига коммунал хизматни ташкил қилиш соҳасидаги асосий вазифаларни қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

коммунал хизматлар бозорда рақобатчилик муҳитини шакллантириш, уй-жой фонди ва бошқа коммунал объектларни бошқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш вазифаларини ажратиш мақсадида минтақадаги коммунал хизмат тизимида ислохотларни амалга ошириш;

аҳолини тоза ичимлик суви ва газ билан таъминлаш учун сув қувурлари ва газ тармоқларини ривожлантириш борасидаги мақсадли давлат дастурларини ўз қарамоғидаги ҳудудда рўёбга чиқариш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ўз қарамоғидаги ҳудудда коммунал хизматларга бўлган тариф сиёсатини шакллантириш;

сув, газ, иссиқли ҳамда бошқа энергия манбалари сарфини яқна тартибда ҳисобга олиш ва тартибга солиш асбоб-ускуналарини жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ўз қарамоғидаги ҳудудда техникавий инвентаризация бюросининг фаолиятини ташкил қилиш.

5. «Ўзбекистон Республикасида коммунал хизмат кўрсатишни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 15 июлдаги ПФ-617-сон Фармонининг 1—3-бандлари ўз кўнини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
И. КАРИМОВ,  
Тошкент шаҳри,  
2000 йил 19 декабрь.

# РОЖДЕННЫЕ НА ЗЕМЛЕ МАНГУБЕРДИ

Для рядовых Зафарбека и Алишербека Кутлимурадовых этот новый учебный год мог бы и не начаться, если бы не настойчивость их отца, жителя поселка Янгирек Хорезмской области.

— Во время призыва новобранцев на срочную военную службу, — рассказывает подполковник Рахматулло Курбанов, — довелось мне побывать в управлении по делам обороны Хорезмской области. Вот там временно исполняющий обязанности начальника УДО подполковник Б. Рахимов и ознакомил меня с одной из жалоб, направленных на его имя.

Суть жалобы Комила-ана Кутлимурадова в былые времена вызвала бы удивление у офицеров, работающих с набором юношей в армию. Отец просил немедленно призвать в Вооруженные Силы двух его сыновей.

Подполковник Р. Курбанов встретился с отцом призывников. В ходе беседы выяснилось, что у Комила-ана шестеро сыновей. Все

ребята здоровые, работы и трудностей не боятся. Отец с детства следил, чтобы сыновья были подготовлены к службе, занимались спортом, росли сильными и дисциплинированными.

И вот уже достигли призывного возраста Зафарбек и Алишербек, а повестки все нет.

— Оба моих сына — самые известные спортсмены в районе, — с гордостью сказал отец офицеру, — Алишербеку по нурашу уже и равных здесь нет. Не призовете сыновей, буду выше жаловаться!

Офицер показал обиженному отцу газету с описанием подвигов погибших при защите Узбекистана воинов. А не боится ли Комила-ака, что и его сыновья придется вступить в смертельную схватку с врагом?

— Я горжусь этими героями, — ответил отец призывников, — и преклоняю голову перед их родителями. Достойные дети достойных

родителей! Я и мои сыновья родились на земле Жалолиддина Мангуберди, который и сегодня живет в наших мыслях, так как оставил о себе вечную память, защищая свой народ и свою Родину. Теперь наступил черед моих сыновей выполнить свой долг перед родной землей. И, если потребуется, они в бою поступят так же героически, как их великие предшественники.

Сегодня, когда взят курс на создание небольшой, но мобильной и мощной армии, настало время, когда далеко не каждый юноша будет призываться в ее ряды. Только самые лучшие и достойные примеряли этой осенью новенькую военную форму.

Внимательно изучив суть просьбы Комила Кутлимурадова и познакомившись с Зафарбеком и Алишербеком лично, соответствующие начальники включили их в очередную команду. Уверен, что рядовые Кутлимурадовы не подведут отца, оправдают возлагаемые на них надежды и через полтора года с гордостью расскажут ему о том, как выполняли его отцовский наказ быть достойными потомками Жалолиддина Мангуберди.

Ш. КАРИМБАЕВ.

## АСКАР ЙИГИТ — НОР ЙИГИТ

Йигитлик бурчини ўташ. Ватан ҳимояси учун ҳарбий хизматда бўлиш барча асл йигитларнинг орзуси. Менинг ҳам орзуларим ушалаб, аскарлик либосини кийдим, ҳарб илмидан сабоқ олдим. Энг асосийси, ҳозирда ҳам шартнома бўйича Қуrolли Кучларимиз сафида хизмат қилаётганман. Мен хизмат қилаётган ҳарбий қисм асосан ўта муҳим объектларни қўриқлаш билан шуғулланади. Жанговар билимга эга ва дала синов машғулотларида чиниққан йигитларимиз ўз вазифарларини чин дилдан адо этишмоқда. Аскарларимиз учун ҳарбий қисмимизда барча шароитлар етарли.

Мана, яқинда сафимизга ёш аскарлар келиб қўшилди. Улар учун қисмда барча шарт-шароитлар етарли. Машғулотдан сўнг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишди, мусобақалар ўтказишди, теле-

визор кўриб, китоблар ўқишди.

Бизнинг ҳарбий қисм ошхонаси шаҳардаги анча-мунча ресторандан қолдирилган даражада. Шунингдек ошхонани сайроқи қўшлар, балиқлар ва гуллар безаб туради. Шу ўринда фарзандларини хизматга жўнатган ота-оналарга шундай дегим келади: азиз ота-оналар, фарзандларингиздан асло хавотир олмаң. Улар қалбида Ватанга, ота-онага ҳурмат, муҳаббат кундан-кунга шаклланимоқда. Жонажон Узбекистонга хизмат қилаётганларидан чексиз гуруланмоқдалар. Сизлар ўз мактубларингиз орқали фарзандларингизни дуо қилиң. Улар хизматда чиниқиб, синовларда тобланиб, нор йигит бўлиб бағрингизга қайтишар.

Шартнома бўйича хизматдаги сержант Аҳроржон НОРАЛИЕВ.

## В ПОГРАНИЧНЫХ ВОЙСКАХ

# ЕСЛИ ВЗЯТЬСЯ СООБЩА

Недавно Председатель Комитета по охране Государственной границы Республики Узбекистан генерал-майор М. УТАЙАНОВ выступил с Обращением к личному составу пограничных войск. С принципиальных позиций оценивал положение дел в частях и подразделениях, в Обращении указано на оптимальные пути решения задач по повышению уровня боеготовности, улучшения служебно-боевой деятельности по охране Государственной границы, укрепления воинской дисциплины. Это Обращение нашло живой отклик среди воинских коллективов и отдельных военнослужащих — из пограничных частей поступили сотни писем, где офицеры, сержанты и солдаты излагают свои мысли, мнения...

«Внимательно ознакомился с Обращением, — пишет председатель Совета воинского коллектива подразделения пограничных катеров старшина 2-й статьи А. Хандаров. — На войнах пограничных войск лежит большая ответственность по защите священных границ страны. Вооруженная вылазка боевиков в августе этого года показала, что воинско-пограничникам должны удвоить бдительность, противопоставить им высокий патриотизм, боевой дух, преданность Военной присяге, своему народу и Президенту.

Мне хотелось бы высказать свои мысли о Родине, ради которой я и мои сослуживцы готовы пожертвовать жизнью, если понадобится, как поступили герои-пограничники Ш. Собиров, Р. Нарзиев, Э. Бехбудов, У. Алееков.

Да, жизнь дорога каждому человеку, и никто не хочет умирать. Но мы, воины-пограничники, дали клятву Родине-матери, что будем защищать ее, не жалея сил и самой жизни. В этом и есть высшее предназначение настоящего сына своего народа.

От имени сослуживцев заверяю, что мы не подведем!».

«Это Обращение не могло оставить равнодушным меня и моих сослуживцев, — пишет рядовой Илхамид Холлеров. — В нем с чувством озабоченности указано на состояние дел в некоторых подразделениях, где допущены отступления от требований воинской дисциплины. Почему отдельные воины на почве неус-

тавных взаимоотношений «дооровольно» отпреляются, как говорится, в места не столь отдаленные? Нельзя отрицать, что в этом есть доля вины и сослуживцев.

Пограничные войска всегда были сильны своей сплоченностью, славными боевыми традициями, отвагой и мужеством. И это мы доказали в трудные дни августа 2000 года. Памятуя об этом, нужно еще лучше нести службу по охране Государственной границы, крепить воинское братство, высоко нести честь и достоинство воина пограничных войск. Обращение к личному составу заставляет каждого из нас задуматься о своем отношении к порученному делу».

Обобщая эти и другие письма, убеждаешься, что все они проникнуты духом высокого патриотизма, чувством гордости за свою воинскую профессию, осознанием важности поставленных задач. Сейчас в пограничных войсках завершена итоговая проверка за 2000 учебный год, и воинские коллективы рапортовали о выполнении обязательств, взятых в начале года. Сама жизнь диктует: необходимо творчески подходить к реалиям воинской жизни. Обращение к личному составу, вызвавшее столько откликов из воинских коллективов, стало еще одним шагом на пути повышения качества служебно-боевой деятельности частей и подразделений пограничных войск Республики Узбекистан.

Майор К. ШОЕНБЕКОВ.

## Фидойилик намуналарини кўрсатиб

(Давоми. Боши 1-бетда).

Андижон вилоятидан Қуrolли Кучлар сафига чақирилган Улугбек Акбаровнинг хизмат қилаётганига бир йилдан ошди. У хизмат муддати тугагач, армияда қолдими йўқми, бунга вақт кўрсатади. Аммо бир нарса аниқ: у хизматининг дастлабки кунлариданоқ ҳарб илмининг пухта эгаллашга ҳаракат қила бошлади. Шу боис ҳам оддий аскар У. Акбаров ҳозирда командирлари томонидан малакали радиомеханик сифатида тилга олинди.

— Оддий аскар Улугбек Акбаров, — дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Турғунбой Бекмуродов, — ўз касбининг устаси бўлиш билан бирга ҳар жаҳда илгор посбонларимиздан. Унинг ўтган мавсум якуний синовларидаги барча кўрсаткичлари аъло бўлди. Улугбекнинг шу кунлардаги ияти — қишки мавсумда ҳам юксак натижаларни қўлга киритиб, жамоа умумотуғига салмоқли ҳисса қўшиш, яқинда — янги аср биринчи йилининг дастлабки ойда

мамлакатимиз халқи томонидан кенг нишонланадиган Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуrolли Кучларимиз 9 йиллиги байрамини муносиб кутиб олши.

Ҳа, бу ҳарбий жамоа Улугбек сингари фидойи, ватанпарвар ва уқувли йигитлардан ташкил топган. Биз жамоанинг барча аъзоларига Ватан ҳимояси йўлидаги эзгу ва шарафли хизматларида муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзқўш ЖУМАНАЗАРОВ, ЎзМУ журналистика факультети талабаси.



Капитан Абдумўмин Сариков ҳар бир аскар жанговар вазифани бажариш учун марядга кетаётган чоғида ўз вазифасини,

Низом қондаларини қандай билишини обдон текшириб кўради.

К. ТУРАЕВ олган сурат.

дирди. Бироқ ушбу масалани дастлаб ҳар бир мамлакатнинг ўзи ҳал қилмоғи зарур, деди К. Аннан.

Маълумотларга қараганда, АҚШ, Хитой, Туркия, Хиндистон, Покистон, Саудия Арабистони, Нигерия ва Яманда ўлим жазоси мунтазам ижро қилиб келинмоқда.

КИЕВ. Украина тинчлик кучларининг биринчи гуруҳи Сьерра-Леонега жўнатилди. Мамлакат мудофаа вазирлиғи маълумотиға қа-

раганда, санкция юзга яқин ҳарбий ушбу мамлакатда бўлиб, халқаро тинчликни сақлаш кучларининг тадбирларида иштирок этади.

БЕЛГРАД. АҚШ мудофаа вазирини Уильям Коэн Косовода халқаро тинчлик кучлари сафида хизмат қилаётган америкалик ҳарбийлар ушбу ўлмада яна қоллиши билдирди. Косоводаги вазиятни инобатга олиб, КФОР ҳарбийлари сонини бироз қисқартириши мумкин. Бироқ НАТО кучлари ўлгани ҳали замон

тарк этмайдн, деди вазир. БЕРЛИН. БМТнинг Ироқдаги солиқ вакили Ханс фон Шпонек АҚШнинг булақак янги давлат котиби Колин Пауэллнинг фикрини кескин танқид қилди. К. Пауэлл Ироққа инебатан қўллашлайтган халқаро иқтисодий жазо чоралари кучда қоллиши лозимлигини айтган эди.

Бундай жазо шу нунгача ҳеч қандай фойда бергани йўқ ва бермайди ҳам. К. Пауэлл шуни тўғри тушуноғи зарур, деди Ханс фон Шпонек германлик журналистлар билан учрашувда.

КОЛОМБО. Шри-Ланка президенти Чандрика Кумаратунга «Тамил иламан овозлик йўлбарслари» айирмачи гуруҳи билан тинчлик музокаралари ўтказиш, янгида эганини билдирди. Ҳукумат айирмачилар билан жанговар ҳаракатларни тўхтатиш борасида битим имзолашга тайёр. Бироқ овозлик йўлбарсларининг ўзлари бундай музокара ўтказишига тўсқинлик қилиб келмоқда, деди президенти.

(ЎЗА).

### Хориждан хабарлар

НЬЮ-ЙОРК. Бир неча жамоат ташкилотлари БМТ Бош котиби Кофи Аннанига мурожаат қилиб, дунёда ўлим жазосини бекор қилишда фаоллик кўрсатишга чақирди. Бош котиб бу чақирқида жавобан мазмун ийба ҳисса қўшажагини бил-

Для всех и каждого

РЕНТИНГ

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ АЁЛЛАР

Барчамнага маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2001 йил Оналар ва болалар йили деб эълон қилинди. Бунда албатта жамият учун соғлом авлодни тарбиялашдек устувор мақсад бор.

нинг жисмонан соғлом бўлиши, маънан етув бўлиши онанинг билимига, дунёқарашига ҳам боглиқ экан. Шу боисдан эътиборингизга ҳавола қилинаётган қуйидаги жадвалда айрим мамлакатлардаги аёлларнинг олий маълумотлилиги даражасини фойз ҳисобида кел-

тириб ўтаямиз. Болгария 59.8, Литва 57.7, Словения 57.0, Польша 56.6, Албания 55.8, Россия 55.7, Молдова 55.0, Эстония 54.7, Латвия 54.7, Беларусия 54.5, Венгрия 54.4, Қирғизистон 50.7

Д. РУЗНЕВ тайёрлади.

ЖОРЖ БУШ ҚАНДАЙ ОДАМ?

АҚШда чиқадиган «Тайм» журнали мамлакатнинг янги президенти Жорж Бушни йилнинг энг машҳур кишиси, деб атади.

Буш хоним. Ҳиллари Клинтондан анча фарқли леди бўлиши аниқ. Унинг Ҳиллари каби сиёсий масалаларга аралашши ёки сиёсий фигура бўлишга даъво қилиши ҳам эҳтимолдан вироқ.

Журнал ношири Уолтер Исааксоннинг айтишича, таҳририят ходимлари президентлик сайлови давом этган пайтда унинг голибин ана шундай «сунво» билан тақдирлашга қарор қилган. «Негачи бу сайловда ютиб чиққан одам нафақат президент, балки кўпчилигининг хотирасидан узоқ вақт ўчмайдиган шов-шувли тортишувнинг голиби сифатида ҳам тарихда қолади», деди жумладан у.

«Мен президентнинг маълаҳатчиси эмас, балки турмуш ўртоғиман. Шу боисдан унга сиёсий маслаҳат бермайман. Лекин у билан сиёсий масалалар ва шахслар ҳақида суҳбат қуришимиз табиий, деди Л. Буш Би-Би-Сига берган интервьюсида. Айни келтирилган қарамай, Буш хоним турмуш ўртоғига таъсир ўткази олишини ҳаётда кўп бор исботлаган.

Янги президент Жорж Буш ва унинг сиёсий қарашлари тўғрисида бугун турли-туман фикрлар айтиляпти. Кузатувчилар, айниқса Гарнинг «эшикдан қўса, тешикдан келадиган» журналистлари Президентнинг шахсий ҳаётини сиқиқлаб ўрганишни аллақачон бошлаб юборган.

Янги президентнинг овчиликка иштироки америкаликларга яхши маълум. Айниқса қаптар овига. Унинг овчилигим қизиқ воқеаларга тўла. Масалан, 1994 йил у қаптар ўрнига Қизил итотга киритилган бир қуш ни отиб қўйиб, катта жарима тўлаган. Яна бир қизиқ гап шунки, Ж. Бушнинг энг яхши кўрган китоби ҳам Лерри Гёр қаламига мансуб «Елғиз қаптар» асаридир.

АҚШдаги маҳаллий газеталарнинг ёзишича, 54 ёшига кўнган Ж. Буш эрталаблари суюқли рафиқаси Лаурага кофе тайёрлаб беришни хуш кўради. Шунингдек, унинг жониворларга меҳри баланд. У эрталаб Спортти номли ити билан Эрри ва Индида лақабли мушукларини овқатлантиришни ҳам канда қилмайди.

Гольф ва теннисни хуш кўрувчи Б. Клинтондан фарқли ўлароқ, Жорж Буш бейсбол ва марафонга иштироқ манд. У ёшлигида бейсболга фақат спорт машғулотли сифатида қараган. Кейинчалик эса бейсбол ҳам унинг учун бизнесга айланди. У анча йиллар «Тексас рейнджерс» бейсбол клубига эгаллик қилган.

АҚШ президентлари ва уларнинг оилаларини қўриқлайдиган махфий хизмат томонидан Ж. Бушга берилган лақаб ҳам қизиқ: Тамблер. Ўзбекчага ўғирганда, бу «анробат» ёки «йиқилмас» деган маънони англатади. Билл Клинтонни эса улар «Бургу» деб аташган. Ж. Бушнинг рафиқаси Лаура Бушнинг эса махфий хизмат вакиллари оддийгина қилиб «Ўқитувчи» дейишади. Бу Лаура Бушнинг илгари ўқитувчи бўлганига ишора.

Айрим кузатувчилар Жорж Бушни катта бизнесмен, лекин сиёсат билан етарлича шуғулланмаган, деган фикрни ҳам билдирганди. Лекин янги президент дастлабки қарорлари биланоқ ўзининг тулиш-тузук сиёсатчи эканини намойиш қилди. У Колин Поулни Давлат Котиби, Кондолиза Райсени эса хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи қилиб олди. Уларнинг икковида ҳам африкаликлар қони бор. Бу билан Жорж Буш сайловда асосан Ал-Горни қўллаб-қувватлаган қора танил америкаликларнинг кўнглини олди.

Умуман, янги биринчи леди ҳам Ж. Буш каби ўзига хос зийнат эгаси. Энди у эгизак қизлари 18 ёшли Барбара ва Жения билан бирга президент оиласининг вакили бўлишдек юнни матонат билан кўтариб юрмоғи лозим бўлади. Би-Би-Си ахборот хизматининг ёзиши-

Фарход АРЗНЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ПРИРОДА И ЧЕЛОВЕК

ПРИМЕТЫ СЕЗОНА

Из зимних примет, предвещающих перемену погоды, народ выделит следующие:

Вороны рассаживаются на верхушках деревьев и попых веток — к теплу. Вороны каркают — снег предвещают.

Если кошка вальяется — ждите дождя или мокрого снега.

Овцы на нонлег сбиваются в тесный гурт — к похолоданию.

Осенний листопад затянулся — ждите продолжительной и холодной зимы.

Записал П. НАГОРНЫЙ.

БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ



АНТИҚА УСУЛ

Кўчада нима кўп, машина кўп. Автомобилларнинг русумини айтмайсизми: «Нексиа», «Тико», «Дамас», «Мерседес»... Шу зайдла давом эттирсак, рўйхат узун.

Автомобилларнинг кўпаяётгани яхшику-я, бироқ экологиянинг бузилиши, шовқин-сурон билан боглиқ муаммоларни келтириб чиқаришини ўйласанг, бош қашлаб қоласан. АҚШнинг Филадельфия шаҳрида эса бунинг антиқа усу-

лини ўйлаб топишган. Яъни, кўчаларда автомобиль ҳаракатини қисқартириш учун шаҳар маъмурлари махсус буйруқ чиқаришган. Бунга кўра полициячилар автомобиль эгаларига ники хил рангдаги гулнинг ёрлиқ қоғозини беришади. Хаворанг ёрлиқ эгалари ойнинг жуфт кунларида, қизил рангли ёрлиқ соҳибларини тоқ кунларида машина ҳайдаш ҳуқуқига эга.

Ш. ТОЛМАСОВ тайёрлади.

ВАШ САД

ЗИМНИЕ ХЛОПОТЫ

И в декабре в саду найдется работа. Еще раз осмотрите деревья. Теперь на оголенных ветках легко можно найти места зимовки вредителей.

Яички кольчатого шелкопряда колючком опоясывают веточки. Ее надо аккуратно срезать и сжечь. Хорошо заметны зимние гнезда боярышницы и златогузки. Их обычно немного, однако в каждом засохшем и свернувшимся в трубочку листке, прикрепленном к ветке паутинкой, притаились сотни закоченевших, но живых гусениц.

Н. ПЕТРОВ.

Фойдали маслаҳатлар

Грипп билан оғриган бемор ювиб артилган қизил сабзини қирғичдан ўтказиб, ҳосил бўлган қиймани донага ўраб, сувини бурнига томизса, бурун очиши тўхтаб, енгил тортади.

Эрталаб хонанинг ҳавоси алмаштирилгандан сўнг исирик тутатилса, юкумли касалликларнинг олдини олади.

Қаттиқ шамоллаганда қалампир димламасидан фойдаланиш мумкин. Унинг 10—12 томчиши овқат билан истеъмол қилинса, иштаҳани очиб, одамни тетиклаш-

тиради.

Тузланган қарамдан нафас олин ва сийдин йўллари даволашда ҳамда овқат ҳазм қилишда фойдаланилади.

Қаттиқ шамоллатиб қўйилган жойга ошқовоқ қайнатмаси фойда беради. Ошқовоқ эти эса қуйган ва йиринглаб кетадиган яраларни даволашда ишлатилади.

Тўғралган пиёз сарнғеда қовуриб истеъмол қилинса, тумовни очади.

Т. ЖУМАНАЗАРОВ тайёрлаган.

НА ВЕСЕЛОЙ ВОЛНЕ

— Господин комиссар, я хотел бы сообщить, что с определенного времени мне стали приходить письма угрожающего содержания...

— Гм... Анонимные, конечно? — Куда там! Подписаны!

— Кем? — Начальником налогового управления...

— Вас прораб вызывает, — сказал мастер бригады.

— Сегодня не могу зай-

ти. Валидол кончился.

Жена — ажуу: — Дорогой, вынеси мусор!

Муж с тяжким вздохом: — Да я только сел!

Жена с пониманием и сочувствием: — А что ты делал?

Муж: — Лежал!

РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56 54-76 ♦ РЕКЛАМА ♦ ОБЪЯВЛЕНИЯ ♦ 56-54-76

ВАТАНПАРВАР
Объявления и реклама для опубликования в газете "Ватанпарвар" принимаются в редакции ежедневно с 9.00 до 16.00 (к.м.ч.27).
Адрес: ул. Купаева, 21 (ориентир гостиница "Россия").

- Угри, рубцы, поры. Т.: 125-81-24, 121-77-26.
Дорогие подарки — дорогим людям. Т.: 187-57-10.
Мистическая маска — волшебный эффект. Т.: 187-57-10.
Похудеть, убрать живот, бедра. Т.: 125-81-24.
Омолаживающие косметические сеансы. Т.: 187-57-10.
Чудо-маска молодости. Т.: 125-81-24, 121-77-26.

- КУПЛЮ
Шв. маш., холод., в/маг., БИ, стир. маш., газ., эл. плиты. Т.: 45-78-30.
Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., стир. маш. «Киргизия» в раб. и нераб. сост., велосипед. Т.: 74-95-15, 75-59-73.
ВМ-12, Кomety-225, маг., усилит.АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.
ПРОДАЮ
А/м ГАЗ-53, «Москвич»

- ИЖ Комби, короб. от «Жигули»-06. Т.: 45-78-30.
Недвижимость:
Продаю или меняю план. дом в Мираб, р-не (бывш. Госпитальный рынок) на 2-комн. кв. Т.: 54-91-54 (после 19.00).
РАЗНОЕ
Дед Мороз и медвежонок на дом. Т.: 43-40-83.
Ваши насекомые — наша проблема! Фирма «ЛИММОЛИМ». Только позвоните. Т.: 152-13-74, 152-13-75.

ВАТАНПАРВАР RADIO FM 105.4 SEZAM
«ВАТАНПАРВАР» ГАЗЕТАСИ ВА «СЕЗАМ» РАДИОСИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲАСИ ҲАР ШАНБА ВА ЯҚШАНБАДА СОАТ 11.00 ДА 105.4 ҲАВО ТўЛҚИНЛАРИДА
Ф.И.О.
МАНЗИЛИ:
ТИЛАК ВА ИСТАКЛАРИМ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 19 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:
1 АҚШ доллари 322,80
\*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмагак.

ПОНЕДЕЛЬНИК, 25.12

8.00 Мультфильмы. 8.45, 22.45, 3.45 «Сокровища мировой культуры».

ВТОРНИК, 26.12

8.00 Мультфильмы. 8.30, 11.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 «Факт».

19.35, 6.55 «Загадочный мир Артура Кларка».

СРЕДА, 27.12

8.00 Мультфильмы. 8.30, 11.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 «Факт».

ЧЕТВЕРГ, 28.12

8.00 Мультфильмы. 8.30, 11.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 «Факт».

14.00 Молодые дарования. 14.35 «Остров-бабочка».

ПЯТНИЦА, 29.12

8.00, 14.00 Мультфильмы. 8.30, 11.30, 20.30, 23.30, 2.30, 5.30 «Факт».

СУББОТА, 30.12

8.00 Мультфильмы. 8.20 Фильм «Люди и манекены».

кены. 1-я серия. 9.45 Фильм «Лебединое озеро».

ВОСКРЕСЕНЬЕ, 31.12

8.00 Мультфильмы. 8.30 «Люди и манекены».

25 ДЕКАБРЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!».

9.00 «Давр тонги».

10.00 Мультфильм «Мушкетеры».

25 - 31 ДЕКАБРЯ

18.00, 20.00, 23.00 «Пойтахт».

ОРТ

7.00-9.00 15.00 Турецкое телевидение.

XX 29

17.10 Мультфильм «Приключения Галла».

30

18.00-гача промлактаника миллари.

7

6.00 «Доброе утро».

12.00 Новости. 12.15 «Добрый день».

ТВ

18.00 «Взрывные новости».

ТВ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00

ТВ

6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 23.00

ТВ

11.00, 17.00, 00.55 Новости.

ТВ

11.00, 17.00, 00.55 Новости.

18.30 «Феномен доктора Назаровна».

ТВ

7.00, 8.00 «Сегодня утром».

ТВ

7.35 Мультфильм.

ТВ

8.00 «Настроение».

ТВ

11.45 «Моя дорогая Назаровна».

19.35, 6.55 «Загадочный мир Артура Кларка».

18.40, 3.55 «Диск-канал».

18.15 «Волшебный микрофон».

18.10 «Оптимистический проект».

18.10 «Оптимистический проект».

18.10 «Оптимистический проект».

18.10 «Оптимистический проект».

18.10 «Оптимистический проект».

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

ПЯТНИЦА

